

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2020.В.70.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХИМОВ АБДИХОФИЗ ЛУТФУЛЛАЕВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА *HIBISCUS SYRIACUS* L. НИНГ
БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

03.00.05 – Ботаника

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Қарши – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рахимов Абдихофиз Лутфуллаевич

Ўзбекистон шароитида *Hibiscus syriacus* L. ning биоэкологик
хусусиятлари

..... 5

Рахимов Абдихофиз Лутфуллаевич

Биоэкологические особенности *Hibiscus syriacus* L.
в условиях Узбекистана

23

Raximov Abdikhofiz Lutfullaevich

Bioecological features of *Hibiscus syriacus* L. in the conditions Uzbekistan

43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

46

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2020.В.70.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХИМОВ АБДИХОФИЗ ЛУТФУЛЛАЕВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА *HIBISCUS SYRIACUS L.* НИНГ
БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

03.00.05 – Ботаника

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Қарши – 2021

Философия доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъмурияти хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/B506** рақам билан руйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сайтида (<http://qarshidu.uz/uz>) ва "Ziyouet" Ахборот таълим порталида (<http://ziyouet.uz>) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ўзвек Лутфулло Хабибуллаевич биология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Хайдаров Хислат Қудрагович биология фанлари доктори, профессор Тургунов Мирабдулло Дехканович биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	Наманган давлат университети

Диссертация химояси Қарши давлат университети хузуридаги Илмий даражалар берувчи PhD.03/30.06.2020.B.70.03 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил "15" ШОЛБ соат 10 дақиқа мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz). Қарши давлат университети, физика-математика факультети биноси, 102-хона.


46 Диссертация билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида ташишти мумкин (46 рақам билан руйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил "30" ШОНБ хуни тарқатилди.
(2021 йил "30" ШОНБ дақи 16 рақамли реестр баённомаси).




Ш.К. Қурбонов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,
биология фанлари доктори, профессор.

Ш.А. Саматова
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий қоғоми, биология фанлари
номзоди, доцент.


Л.С. Қучкарова
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
биология фанлари доктори, профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳоли сонининг ўсиши, урбанизациянинг жадаллиги, шаҳарлар аҳолисининг кўпайиб бораётганлиги, кўркам бино ва иншоотларнинг кўплаб қурилаётганлиги инсониятни табиатдан тобора узоклаштирмоқда, натижада сайёрамизнинг барча жойларида ландшафт дизайнига бўлган қизиқиш ортмоқда. Бу аҳоли яшайдиган манзилларни замонавий шаҳарсозлик анъаналарига мос равишда кўкаламзорлаштиришни ва манзарали боғдорчиликда қўлланиладиган ўсимликлар ассортиментини янги тур ва навлар ҳисобидан бойитишни тақозо қилмоқда. Шунга кўра, юксак манзарали ва узок муддат гуллайдиган, ноҳуш омилларга бардошли ўсимликларни интродукция қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда мамлакатлар маданий флорасини бойитиш, хўжалик аҳамиятига эга бўлган ўсимликлар ассортиментини кўпайтириш мақсадида ўсимликлар интродукциясига доир илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бундай ўсимликлар, айниқса, арид ҳудудлардаги аҳоли яшаш жойлари иқлимни юмшатади, атмосфера ҳавоси ҳароратини пасайтиради, намлигини оширади, чанг ва захарли чикиндилар миқдорини камайтиради, фитонцидлар ажратиш ҳавони микроорганизмлардан тозалайди. Бу борада, юксак манзарали, экологик диапозони кенг, ноҳуш табиий омилларга бардошли, адаптация имкониятлари юқори бўлган турларни интродукция қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда аҳоли учун соғлом экологик муҳит яратиш мақсадида ўсимликлар ассортиментини бойитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «...одамларнинг экологик ҳавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш» бўйича вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда иссиқ ва қуруқ иқлимга бардошли, осон кўпаядиган, қарийб ярим йил давомида муттасил гуллаб турадиган, ўта манзарали *Hibiscus syriacus* L. нинг Ўзбекистонга интродукция қилинган форма ва навларини маҳаллий шароитда биоэкологик хусусиятларини атрофлича очиб бериш, уларни истиқболлини белгилаш, кўпайтириш ва парваришлаш усулларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 июндаги ПҚ-435-сон «Аҳоли пунктларини ободонлаштириш соҳасида ишлар самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 январдаги 43-сон «Давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерларда дарахтлар ва буталарни экиш, парвариш қилиш, кесиш ҳамда дарахтларни хатловдан ўтказиш тартиби тўғрисида» қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий олимлар томонидан *H. syriacus* нинг экологияси ва адаптация имкониятларини ўрганиш бўйича Н.Х. Cui (2006), E. Paletti (2009), K. Radoglou, Y. Rafitoyannis (2000), K.D. Kim, E.J. Lee (2005), H. Milde (1987) лар гуллаш биологиясини ўрганиш, гуллаш муддатини узайтириш устида S. Seo (2009), S. Kwon, H.J. Kwon, K.S. Kim (2010), J. Haegeman, W.A. Istas (1992)лар томонидан тадқиқотлар амалга оширилган.

МДХ мамлакатлари олимлари томонидан, жумладан, Молдовада (Паланчан, Денисов, 1990), Ереванда (Бозоян, 1985; Тарасова, 1985), Туркменистонда (Кербабаев, Гаевская, 1981), Батуми ботаника боғида (Манджавидзе, Цицидзе, Матипян, 1968), Тбилиси ботаника боғида (Башинджакели, Герменьяк, 1971), Қирғизистонда (Ахматов, 1976), Чуй водийсида (Прутенский, 1965), Краснодар ўлкасида (Дюваль-Строев, 1986; Тьшенко ва б., 2010; Тимкина, 2011) *H. syriacus* L. ни интродукция қилиш ва унинг биоэкологик хусусиятларини тадқиқ қилиш, истиқболли навларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар олиб борилган.

Бирок, ушбу тадқиқот ишлари Ўзбекистон ҳудудида *H. syriacus* ни биоэкологик хусусиятлари ҳақида тўлиқ маълумотларни бера олмайди. Шунга кўра, Ўзбекистон шароитига иқлимлаштирилган *H. syriacus* нинг турли ёшда ва турли шароитда биоэкологик хусусиятларини очиқ бериш, форма ва навларнинг истиқболлилиқ даражасини аниқлаш, кўпайтириш усуллари ҳамда парваришlash агротехникасини тадқиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертацияда бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши давлат университет илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-9-18 “Юксак манзарали экзотик дарахт, буталар ва ноёб гулларни Қарши шароитига интродукция қилиш, уларни кўпайтириш методлари ва парваришlash агротехникасини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳа (2012-2014 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон шароитига иқлимлаштирилган *H. syriacus* нинг биоэкологик хусусиятларини аниқлаш ва кўпайтириш усуллари ҳамда парваришlash агротехникасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

H. syriacus ни интродукция қилиш тарихи, унинг табиатда тарқалиши ва культиген ареалини белгилаш;

Ўсимликнинг янги шароитда ўсиш ва ривожланиш биологиясини аниқлаш;

Ўсимлик вегетатив органларининг анатомик тузилишини очиқ бериш;

H. syriacus ning турли шароитда гуллаши ва уруғ ҳосил қилиш биологиясини аниқлаш;

маҳаллий шароитда экологик омилларга муносабатини кўрсатиб бериш;

самарали кўпайтириш ва парваришлаш усуллари ишлаб чиқиш;

интродукция қилинган навларни тавсифлаш ва янги шароитда истиқболлилиқ даражасини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент ва Қарши шаҳарларига интродукция қилинган турли ёшдаги *H. syriacus* ning форма ва навлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини интродукция қилинган турли ёшдаги *H. syriacus* ning ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари, репродуктив биологияси, анатомияси, экологияси, фенологияси, кўпайтириш ва парваришлаш усуллари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишни бажаришда дала ва лаборатория тажрибалари, экологик, навларни баҳолаш ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

H. syriacus ning Тошкент шароитида ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари очиб берилган, 5 ёшгача унинг жадал ўсиши, 6-10 ёшда ўсиш суръатининг пасайиши, бу жараён уруғ маҳсулдорлигининг ошиши билан узвий боғлиқлиги аниқланган;

H. syriacus вегетатив органларининг анатомик тузилишида характерли диагностик ва адаптив белгилар аниқланган;

турли ёшдаги ва ҳар хил шароитда ўсаётган *H. syriacus* ни репродуктив биологиясида ўзаро фарқлар очиб берилган ва мўътадил иқлимда (Тошкент) юқори сифатли (97,3%), экстраарид шароитда (Қарши) паст сифатли (60%) уруғ ҳосил қилганлиги аниқланган;

H. syriacus форма ва навларнинг юқори ҳаво ҳарорати ва совуққа чидамлилиги, шунингдек, *Speciosus* навининг совуқ ҳароратга энг бардошли эканлиги белгиланган;

форма ва навлар манзаралилик ва хўжалик-биологик сифатлари баҳоланиб, ўта истиқболли ва истиқболли навлар гуруҳи ажратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

H. syriacus ning сентябрь ойида терилган уруғлари сифатсиз эканлиги, ноябрь ойида эса юқори сифатли уруғлар ҳосил қилиши аниқланган;

H. syriacus ни *in-situ* шароитида кўпайтириш ва парваришлаш усуллари ишлаб чиқилган ҳамда улардан ландшафт дизайнида кенг қўллаш имкониятини берувчи тирик ўсимликлар коллекцияси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган натижаларнинг нуфузли нашрларда чоп қилинганлиги, илмий лойиҳаларнинг бажарилишида қўлланилганлиги, ишни бажаришда мумтоз ва замонавий тадқиқот усуллардан фойдаланилганлиги, тўпланган материаллар математик статистика усулида қайта ишланганлиги, тадқиқот натижалари ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон шароитида аҳоли яшайдиган манзилларни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришда фойдаланиш учун юксак манзарали дарахт ва буталарни янгидан интродукция қилиш муаммосини илмий асосда ҳал қилишга салмоқли хисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти *H. syriacus* нинг истиқболли навларидан республикамиз миқёсида ландшафт дизайни яратишда, улардан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида самарали фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон шароитида *H. syriacus* нинг биоэкологик хусусиятларига доир илмий натижалар асосида:

ўрғанилган форма ва навларни гуллаш биологияси, шунингдек, уларни комплекс баҳолаш асосида олинган маълумотлар Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси тизимидаги ташкилотлар амалиётига жорий этилган (Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармасининг 2021 йил 29 апрелдаги № 1-13/1256-сон маълумотномаси). Натижада, Тошкент ва Қарши шаҳарлари яшил манзарасини янада ошириш имконини берган;

турли шароитда ўсаётган ўсимликларни репродуктив биологиясига доир маълумотлар ҳамда ўсимликни кўпайтириш, шакл бериш орқали унинг манзаралилигини ошириш ва умрини узайтириш усуллари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Қашқадарё вилояти ўрмон хўжалиги бошқармаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2021 йил 5 майдаги 05/21-1990-сон маълумотномаси). Натижада, республикамизда манзарали буталарни кўпайтириш, етиштириш, кўп миқдорда соғлом кўчатлар тайёрлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, гўртта боб, хулоса, амалиётга тавсиялар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 108 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари кўрсатилган, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини

амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб, "*Hibiscus syriacus* L. ни интродукция қилиш тарихи ва тарқалиши, тадқиқот объекти ва методлари" деб номланиб, унинг биринчи бўлимида *H. syriacus* нинг ботаник тавсифи, унинг систематик ўрни ва табиий ареали тўғрисида, иккинчи бўлимда Тошкент ва Қашқадарё вилоятининг тупроқ-иклим шароити, тадқиқот объекти ва методлари баён қилинган.

Ўсимликнинг таксономик белгилари ва илмий номларини аниқлашда А.Л. Тахтаджян ва бошқ. (1981), уруғлар "Семенное размножение интродуцированных древесных растений" (1970), "Методические указания по семеноведению интродуцентов" (1980) қўлланмаларидаги тавсиялар, новданинг ўсиш динамикаси В.В. Смирнов (1964) методида, фенологик кузатишлар Ботаника боғларида қабул қилинган методлар (Бульгин, 1967; Зайцев, 1984) асосида олиб борилди. Вегетатив органларнинг анатомик тузилишини ўрганиш умумқабул қилинган методларда, илдиз тизими В.А. Колесников (1972) методида, гуллаш биологияси А.Н. Пономарев (1960), уруғ махсулдорлиги Р.Е. Левина (1981), О.А. Ашурметов (1982) методлари ёрдамида ўрганилди. Ўлчашлар ва саноклар натижалари Г.Н. Зайцев (1990) нинг математик статистика методи билан қайта ишланди.

"*Hibiscus syriacus* L. нинг ўсиш ва ривожланиш биологияси" номи иккинчи бобда ўсимликни турли ёшларда ўсиш хусусиятлари келтирилган. Бу бобнинг биринчи бўлимида уруғларнинг униб чиқиши устидаги кузатув натижалари келтирилган. Уруғлар экилгандан сўнг 7-8 кундан кейин униб чиқа бошлайди, 12-15 кундан кейин ёппасига униб чиқади. Бу пайтда унинг илдизлари 2-2,7 см га тенг бўлади. Ўсимта 3 кунлик бўлганида ер устига уруғпаллани олиб чиқади. 5 кунлик бўлганида илдизнинг узунлиги 5 см га тенг бўлади ва уларда ён илдизлар пайдо бўлади. Бу пайтда гипокотилнинг бўйи 2,5 см етади ва унинг илдиз билан бириккан жойи йўғонлашади ва илдиз туклари пайдо бўлади.

10 кунлик ниҳолларнинг бўйи 2,5 см га етади. Гипокотилнинг узунлиги 3,5 см га етади. 15 кунлик ниҳолларда учки куртак ўсишни бошлайди ва унда бир нечта ён илдизлар шаклланади. 20 кунлик ниҳолларда чин барг шаклланади, уларнинг бўйи 4 см га етади. Бу пайтда илдиз тизими анча ўсади.

Униб чиққанига 1 ой бўлган ниҳолларнинг бўйига ўсиши тезлашганлигини кузатиш мумкин. 2 ойлик ниҳолларда бу жараён янада жадаллашади. Уларнинг бўйи ўрта ҳисобда 18 см га етади, 3-4 дона чинбарг ҳосил бўлади. 3 ойлик ниҳолларда бўйига ўсиш янада жадаллашади. Бу пайтда уларнинг бўйи 31,5 см га етади. 4 ойлик ниҳоллар бўйига жадал ўсишда давом этади. Бу пайтда уруғпалла тушиб кетади. 5 ойлик ниҳолларнинг бўйига ўсиши кескин камаяди. Шундан кейин ўсимликнинг бўйига ўсиши деярли тўхтайдди.

Шундай қилиб, *H. syriacus* дастлаб тез ўсади ва яхши ривожланади. Ниҳоллар 2 ойлик бўлганида ер устки қисми жадал ўсиш даврига кириб,

бу жараён улар 4 ойлик бўлгунига қадар давом этади. Уларнинг жадал ўсиши мавсумнинг иссиқ пайтига тўғри келади.

H. syriacus бизнинг шаронгда 2 ёшда генератив даврга киради. Турли ёшдаги ўсимликларнинг бўйига ўсиш хусусиятлари ўрганилганда 2 ёшда фаол ўсиши кузатилади. Кўп йиллик тадқиқотларимиз *H. syriacus* нинг бўйига жадал ўсиш даври 5 ёшгача давом этиши, кейинги йилларда ўсиш суръатининг қисман пасайиши, 8 ёшдан кейин эса кескин пасайиши қайд қилинди. Ўсимлик 20 ёшга кирганда уларнинг бўйига ўсиши тўхтаб, ўсиш ён новдалари ҳисобидан амалга ошади.

Турли ёшдаги ўсимликлар ён новдаларининг ўсиш динамикаси ўрганилди. 2 ёшли ўсимликларнинг ён новдалари апрель ойининг 1-декадасида ўсишни бошлагани ҳолда август ойининг бошида уни яқунлайди. Бунда уларнинг энг фаол ўсиш даври май-июнь ойларига тўғри келиб, ўсиш муддати 129 кунни ташкил этади, новдалар ўрға ҳисобда 74,1 см ўсади. 3 ёшли ўсимликлар ҳам ўсишни шу пайтда бошлагани ҳолда август ойи кириши билан уни яқунлайди. Бунда ўсиш муддати бироз қисқарсада (118 кун), новдаларнинг узунлиги ўртача 95,3 см, яъни энг юқори кўсаткични ташкил этади. Жадал ўсиш даври 2 ёшли ўсимликлар билан бир пайтга (май-июнь) тўғри келади. 4 ёшли ўсимликларда ўсиш муддат ва йиллик ўсиш миқдори анча камаяди. Жадал ўсиш даври ҳам анча олдинга (апрель-май) силжийди. Ўсимликнинг ёши ортиб бориши билан новдаларнинг ўсиши тобора олдинга силжиб, йиллик ўсиш миқдори ҳам муттасил пасайиб боради. Бу жараён 9-10 ёшлиларда айниқса яққол намоён бўлади. Кейинги ёшларда ўсиш муддати 64-70 кунгача, новдаларнинг йиллик ўсиш миқдори 10,5 см гача қисқаради.

Иккинчи бўлим илдиз тизимининг ривожланиш хусусиятларини ўрганишга бағишланган. *H. syriacus* уруғлари ўсишни бошлаганда дастлаб унинг илдизлари фаол ўсади. Ўсимта ер юзига чиққан кунда унинг бўйи 0,5 см бўлгани ҳолда илдиз 2,7 см га етади. Ўсишнинг 3-кунда ён илдизлар пайдо бўлади. 20 кунлик ниҳолларда 2-тартибли ён илдизлар пайдо бўлади. Ниҳоллар 1 ойлик бўлгунига қадар илдиз узунлигининг ер устки қисмига нисбати ҳамиши юқори, шу пайтга келиб уларнинг узунлиги бир-бирига қарийб тенглашади. Бу пайтда илдиз тизими анча шаклланади, 3-тартиб ён илдизлар ҳосил бўлади. Асосий илдиз тупроққа чуқур кириб бормасада, у ён илдизлар ҳисобига ўсиб, ўсимликнинг бўйига жадал ўсишини таъминлайди.

2 ойлик ниҳолларнинг асосий илдизи 11 см, ён илдизларнинг умумий узунлиги 55 см га етади. Бу пайтда ҳаво ҳароратининг ҳам юқори бўлиши унинг яхши ўсишига ёрдам беради. 3 ойлик ниҳолларда асосий илдизнинг узунлиги 19 см га, ён илдизларнинг умумий узунлиги 89 см га етиб, 4-тартибли илдизлар шаклланади. Илдизларнинг асосий массаси эса 5-8 см чуқурликда жойлашади. 4 ойлик кўчатларда асосий илдизнинг узунлиги 26 см, илдиз тизимининг умумий узунлиги 127 см га етади. Ниҳолларнинг ёши 5 ойга етганида асосий илдиз бўйига ўсмагани ҳолда, унинг диаметри анча ошганлиги (12,2 мм), илдиз тизими яхши ривожланганлиги, уларнинг умумий узунлиги 263 см га етганлиги қайд қилинди.

Бир ёшли кўчатларда ҳам илдиз тизими яхши тараққий этади, бунинг ҳисобига ён илдизларнинг умумий узунлиги 388 см ни ташкил қилади. Вегетациянинг иккинчи йилида бақувват илдиз тизими шаклланади, асосий илдиз кам ўсгани (29 см) ҳолда, ён илдизлар яхши ривожланади. Бунда уларнинг умумий узунлиги 466 см га етганлиги қайд қилинди.

3 ёшли кўчатлар ҳам бўйига жадал ўсади. Уларда 2-3-тартиб шохланиш кузатилади ва ўсимликларнинг бўйи 185 см га етади. Бу ёшдаги кўчаларда илдиз тизимининг ҳам жадал ўсиши кузатилади, асосий илдиз узунлиги 62 см га етиб, анча чуқурликка кириб боради. Илдиз бўғзининг диаметри 21 мм, илдиз тизимининг умумий узунлиги 590 см га етади. Илдизнинг асосий массаси эса тупрокнинг юзасида (5-27 см), яъни унумдор қаватда жойлашади.

Учинчи бўлимда мавсумий ривожланиш мароми (фенология)ни ўрганиш натижалари келтирилган. Кузатишларимиз давомида бу ўсимликнинг иссиққа талаби анча юқори эканлиги қайд қилинди. Шу сабабли улар баҳорда вегетацияни бироз кеч бошлайди. 2011-2012 йилларда *H. syriacus* нинг куртаклари бўртиши март ойининг I-декадасида бошлаган бўлса, 2013 йилда уни шу ойнинг ўрталарида бошлади. Бу даврда аксарият дарахтларда барг пайдо бўлган эди. Орадан 10-15 кун ўтгандан кейин улар барг ёзишни бошлайди. Бу даврда турғун ҳаво кузатилган йиллари дарахтлар қисқа муддатда барг билан қопланади.

Ўсимлик барг билан тўлиқ қопланиб бўлгач, орадан 4-5 кун ўтиб новдаларнинг ўсиши бошланади. Дастлаб учки, кейин ён новдалар ўсишни бошлайди ва бу баҳордаги об-ҳавога боғлиқ бўлади. Иссиқлик юқори бўлганда улар майнинг охиригача (2013), пастрок бўлганда эса июннинг II-декадасига (2012) қадар ўсади. Шундай қилиб, *H. syriacus* нинг новдалари 2-2,5 ой давомида ўсади ва экстремаль давр бошлангунига қадар уларнинг йиллик новдалари тўлиқ шаклланади. Бизнинг шароитимизда *H. syriacus* нинг вегетация даври жуда узок. Мартнинг биринчи декадасида бошланган бу жараён ноябрнинг охиригача, яъни 8,5 ой давом этади. Дастлабки совук харорат тушиши билан у ўзининг вегетациясини яқунлайди. Хуллас, *H. syriacus* бизнинг шароитимизда барча фенологик фазаларни тўлиқ ўташга улгуради, бу эса унинг кишдаги совукни беталофат ўтказиш имкониятини беради.

Тўртинчи бўлим *H. syriacus*нинг вегетатив органларнинг анатомик тузилишини ўрганишга бағишланган. Ўрганишларда унинг барг мезофили дорсивентрал; барг оғизчалари аномоцит ва гемипарацит; барг банди эса паренхим-боғламсимон типли эканлиги, унда бурчакли колленхима хужайраларининг мавжудлиги, ёпиқ коллатерал ўтказувчи боғламларнинг склерификациялашганлиги аниқланди; поя эса боғламсимон типли, унда пўстлоқ паренхимасидаги бирламчи ва иккиламчи луб толалари мавжудлиги қайд қилинди. Ўрганишлар бизнинг шароитимизда ўсаётган *H. syriacus* ксеромезофит ўсимликлар гуруҳига кириши аниқланди.

Диссертация ишининг "*Hibiscus syriacus* нинг репродуктив биологияси" деб номланган учинчи бобида ўсимликнинг гуллаш ва уруғ ҳосил қилиш

биологияси ва уруғ маҳсулдорлигини ўрганишга бағишланган. Бобнинг биринчи бўлимида гуллаш биологиясини ўрганиш натижалари келтирилган. *H. syriacus* табиий шароитда 3-4 ёшида гуллаб, уруғ ҳосил қилади. Аксарият иқлимлаштирилган жойларда ҳам унинг худди шу ёшда генератив фазага кирганини қайд қилинган. Тошкент шароитида эса вегетациянинг иккинчи йилидан бошлаб гуллайди ва уруғ беради. Қарши шароитида тез ўсадиган айрим кўчатлар бир ёшлигида гуллашни бошлайди, лекин уруғ ҳосил қилмайди. Гуллари йиллик новдалари ўсишдан тўхтагандан кейин, уларнинг юқори қисмида ҳосил бўлади ва бу гуллардан юзага келган мевалар август ойининг ўрталарида пиша бошлайди.

Иккинчи йили ўсимликларнинг йиллик новдалари ўсишни яқунлаб, асоси ёғочланишни бошлаганда уларда гул куртаклари шаклланишни бошлайди. Ҳар битта генератив шохда ўрта ҳисобда 5-6 тадан гул куртаклари ҳосил бўлади. Бу даврда уларнинг ўлчами кичик, эни 1-2, бўйи 2-2,5 см бўлади.

Баҳор эрта келган йилларда гул куртаклари апрелнинг иккинчи, кечроқ келганда эса учинчи декадасида пайдо бўлади. Улар бу ойнинг салқин ва беқарор ҳароратида секин ривожланади. Орадан 1-1,5 ой ўтганидан сўнг улар гуллашни бошлайди. Ялпи гуллаш даврини бошланишига қадар ҳам тахминан шунча вақт ўтади (1-жадвал).

1-жадвал

Тошкент шароитида *H. syriacus* нинг гуллаш фенологияси

Кузатиш йиллари	Ғунчалаш муддати	Гуллаш даври			
		бошланиши	ёппасига	туғиши	давомийлиги, кун
2011	12.04	24.05	9.06	28.10	158
2012	24.04	6.06	25.06	20.10	137
2013	22.04	25.05	10.06	20.10	154
2014	23.04	25.05	11.06	24.10	153


H. syriacus иссиқсевар ўсимлик бўлишига қарамадан гуллаш бошланиши даврида бу омилга нисбатан жуда сезгир. Баҳорда намгарчилик кам ва ҳарорат юқори келган йиллари унинг гуллари май ойининг ўрталарида, баҳор серёғин ва салқин келганда улар июннинг биринчи декадасида очилиши қайд қилинади.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики *H. syriacus* Тошкент шароитида аксарият ҳолларда май ойининг охирида гуллашни бошлайди. Ҳаво ҳарорати турғун бўлганда, орадан 15-20 кун ўтиб улар ёппасига гуллаш даврига киради. Шундай қилиб, *H. syriacus* Тошкент шароитида бу жараён кўпчилик ҳолларда июнь ойининг биринчи ярмида бошланиб, айни саратоннинг иссиқ ва жазирама кунлари бошланган пайтда улар ялпи гуллаш даврига киради. Қарши шароитида бу муддат 8-10 кун олдин кечади. Экстремаль даврининг бошланиши билан ўсимлик ғунчаларининг бир қисми тушиб кетади ва оқибатда ундаги очилган гулларнинг сони анча

камаяди. Экстремаль давринг ўтиши ва ҳаво ҳароратининг бироз пасайиши билан *H. syriacus* даги гуллар сони яна кўпаяди.

Кузатишлар давомида *H. syriacus* гуллари кечкурун очилишни бошлаши ва уни ярим кечада яқунлаши аниқланди. Кундуз кунлари ҳаво иссиқ ва қуруқ бўлган пайтда гунчалар етилади, бу пайтда уларнинг ўлчами тез катталашади ва новдадаги дастлабки гул ҳаво ҳарорати бироз пасайганда, кўпинча соат 16⁰⁰ атрофида гуллашни бошлайди. Гуллар ўрта ҳисобда 12 соат давомида, яъни кечаси соат 4⁰⁰ га қадар тўлиқ очилиб улгуради. Бу гуллар кейинги кун кундуз пайтида ҳам тўлиқ очилиб туради ва чангланишига улгуради. Кечга томон тахминан соат 16⁰⁰ атрофида улар гуллашни тамомлайди, яъни *H. syriacus* 1 сутка давомида гуллаб туради.

Атмосферада суткалик ҳаво ҳарорати бироз пасайиб бориши билан гулнинг гуллаш муддати узайиб боради. Май-июль ойларида очилган гулнинг гуллаш муддати 1 суткага тенг бўлгани ҳолда, экстремаль давринг ўтиши билан уларнинг очилиб туриш муддати анча узаяди. Хусусан, август ойининг 2-декадасида очилган битта гул 2-3 сутка давомида очилиб туради. Сентябрь ойининг бошида гуллаш жараёни 4 сутка, ойнинг иккинчи ярмида эса 5-6 суткагача давом этади ва шундан кейин бу муддат яна секин-аста қисқариб боради (1-расм). Шундай қилиб, *H. syriacus* гуллашидаги ўзига хос хусусиятлардан бири шундан иборатки, ҳаво ҳарорати юқори бўлганда битта гул бир кун мобайнида очилиб туради. Ҳарорат пасайиши билан гулнинг очилиб туриш муддати узайиб боради.



1-расм. Мавсум давомида *H. syriacus* битта гулнинг очилиб туриш давомийлиги

H. syriacus нинг айрим гуллари жуда қисқа муддат гуллашига қарамасдан, ўсимликнинг умумий гуллаш муддати жуда узок. Баҳорни охирида гуллашни бошлаган ўсимлик уни кузнинг ўрталаригача давом эттиради. Битта ўсимликнинг гуллаш муддати 137-154 кун давом этади. Бундай узок муддат

гуллашни таъминлаш учун ўсимлик вегетация давомида сон-саноксиз гуллар ҳосил қилади (1-жадвал).

*H. syriacus*га аралаш, яъни вегетатив-генератив типдаги новда ҳосил бўлиш хусусияти хос ҳисобланади. Йиллик новдалар апрель ойининг 1-декадасида ўсишни бошлаб, уни июнь ойининг 2-декадасигача давом эттиради. Новданинг ўсиши асносида унинг узунлиги бўйлаб акропеталь тартибда генератив куртаклар ҳосил бўлади ва асосидан учига қараб навбат билан гунчалар ҳосил бўлади, улар етилгач шу тартибда гуллаш бошланади. Бўйига ўсишни ёзнинг кириши олдидан тамомлаган новда, секин ўсиш ва ривожланишда давом этади ва унинг учки қисмида генератив куртаклар ҳосил бўлади. Бу эса *H. syriacus* нинг узок муддат гуллашини таъминлайди. Дастлаб гуллар йиллик новданинг учки қисмида, гуллашнинг кейинги тўлқинида шу новданинг учки қисмидаги киска бўғинли генератив новдалардан гуллар қийғос очилади ва уларнинг кўпчилигида уруғ ҳосил бўлади. Генератив новданинг ўсиши ва ривожланиши яна 3-4 ой муддатида давом этади, уларда кўплаб гул ва мевалар шаклланади.

Куйидаги жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ўсимликнинг ёши ошиб бориши билан ундаги гунчалар ва гулларнинг сони ортиб боради. Шунингдек, очилган барча гулларда ҳам уруғ шаклланавермайди. Мева ҳосил бўлиш коэффиценти 40,0-48,8 фоизни ташкил қилади (2-жадвал).

2-жадвал

***H. syriacus* нинг генератив органлар ҳосил қилиш кўрсаткичлари**

Ўсимликнинг ёши	Новдалар сони	Гунчалар сони	Гуллар сони	Жами гуллар сони	Мевалар сони	МХБК, %
2 ёшли	2-3	5-6	16	82	33	40,0
3 ёшли	3-5	7-11	37	370	161	43,3
5 ёшли	5-7	10-15	89	1234	580	47,0
10 ёшли	7-8	15-18	192	3148	1536	48,8
20 ёшли	6-7	12-14	98	1274	584	45,9

H. syriacus навларининг гуллаш давомийлиги. Республика ландшафт архитектурасида қўлланиладиган дарахт ва буталар орасида чиройли ва узок муддат гуллайдиган турлар кўпчиликни ташкил қилмайди. Бу жиҳатдан *H. syriacus* нинг аҳамияти бекиёс. Унинг гуллари жуда чиройли бўлиши баробарида жуда узок гуллаши билан ҳам аҳамиятлидир.


Бизнинг шароитимизда *H. syriacus* нинг барча навлари анча узок муддат гуллайди. Ўрганишларимиз натижалари умумлаштирилганда барча навларни гуллаш муддатига қараб 3 та гуруҳга ажратиш мумкин (2-расм).

1-гуруҳ: жуда узок гуллайдиган навлар. Уларнинг гуллаш муддати 5-5,5 ой давом этади. Бу гуруҳга сиёхранг гулли ва оқ гулли формалар ва *Woodbrige* навлари киради;

2-гуруҳ: узок гуллайдиган навлар. Уларнинг гуллаш муддати ўрта ҳисобда 4,5 ой давом этади. Бу гуруҳга *Red Heart*, *Aphrodite*, *Pink Giant*, *Russion Violet*, *Totus Albus* навлари киради;

3-гурух: нисбатан қисқа муддат гуллайдиган навлар. Уларнинг гуллаш муддати 3,5-4,0 ой давом этади. Бу гурухга *Speciosus*, *Luce*, *Rubis*, *Pink Flirt* навлари киради.

Шундай қилиб, *H. syriacus* навларининг гуллаш даври билан уларни интродукцион синовдан ўтиш муддатлари орасида боғлиқлик мавжуд. 1-гурухга мансуб ўсимликлар (жуда узок гуллайдиган) республикамизга ўтган асрнинг бошларида, 2-гурухга мансуб навлар (узок гуллайдиган) шу асрнинг иккинчи ярмида, 3-гурухга мансуб навлар (нисбатан қисқа муддат гуллайдиган) эса яқинда, кейинги ўн йилда интродукция қилинган. Демак, *H. syriacus* навлари бизнинг шароитимизда адаптация кўрсаткичларидан бири уларнинг гуллаш муддатлари узайганида ҳам яққол намоён бўлади.



2-расм. *H. syriacus* форма ва навларининг гуллаш муддатлари

Иккинчи бўлимда уруғ ҳосил қилиш биологияси ва уруғ маҳсулдорлигини ўрганиш натижалари келтирилган. *H. syriacus* бизнинг шароитимизда анча эрта генератив фазага киради. Дастлабки йилда гулларнинг сони анча кам. Кейинги йилларда ўсимликда новдаларнинг сони кескин кўпайиши эвазига гулларнинг сони ҳам бир неча баробарга ошади.

Тошкент шароитида дастлабки йили битта ўсимликдаги гулларнинг умумий сони ўрта ҳисобда 76-82 тани ташкил қилгани ҳолда кейинги йили уларнинг сони 367-392 тага, 5 ёшли ўсимликларда эса 1201-1246 та, 10 ёшлиларида ушбу рақам 3467-3507 тага етиши, бу эса энг юқори даража эканлиги тадқиқотларимизда қайд қилинди.

Кўп йиллик кузатишларимизда *H. syriacus* да унинг ёши ортиб бориши билан ҳосил бўлаётган гулларнинг умумий сони 20 ёшли ўсимликларда 10 ёшлиларникига нисбатан анча кам бўлишини қайд қилинди. Бута ўсимлиги бўлганлиги сабабли, шунингдек, экстремаль муҳит таъсирида ушбу ўсимлик 20 ёшга етмасдан синель даврига ўтиши қайд этилди.

Ҳақиқий уруғ маҳсулдорлиги ҳам ўсимлик ёшининг ошиши билан жадал ортиб боради. Лекин турли ёшдаги ўсимликларнинг уруғ маҳсулдорлиги ўртасида кескин фарқлар кузатилмайдди. Жумладан, 2 ёшли ўсимликларда уруғ ҳосил бўлишининг маҳсулдорлик коэффициенти (МК) 52,5-57,5% бўлгани ҳолда, кейинги ёшларда унинг секин ортиб бориши ва 10 ёшли ўсимликларда энг юқори даражага (67,5%) етиши кайд қилинди.

Тошкентда ўсган *H. syriacus* 1000 дона уруғининг оғирлиги 19,2-25,6 г, худди шунча меванинг оғирлиги эса 458-590 г келади. Шундай қилиб, бу ўсимликдаги уруғ ва мевалар ташқи кўринишидан айтарли фарқ қилмаганидек, улар ўзининг оғирлиги билан ҳам кескин фарқ қилмайди.

H. syriacus нинг ҳақиқий уруғ маҳсулдорлиги кўрсаткичи, шунингдек, мавсумнинг об-ҳаво шароитига ҳам боғлиқлиги кузатилды. Тадқиқот олиб борилган 2015 йили ўсимликнинг уруғ маҳсулдорлиги бошқа йилларга нисбатан сезиларли даражада паст бўлди. Ўша йили атмосфера ҳавосининг ҳарорати ўртача кўрсаткичдан бирмунча юқори бўлганлиги, май ойининг иккинчи ярмидан жазирама иссиқ бошланганлиги кузатилган эди.

Кўп йиллик тадқиқотларимиз давомида *H. syriacus* нинг мевасида уруғларнинг шаклланишида ўзига хос жиҳатлари кузатилды. Тошкент шароитида ўстирилган 5 ёшли *H. syriacus* да 5 донагача уруғи бўлган мевалар 2%; 6-10 дона уруғли мевалар - 0%, 11-15 дона уруғли мевалар - 14%; 16-20 ва 21-25 дона уруғли меваларнинг ҳар бири 16% дан; 26-30 дона уруғли мевалар - 22%; 31-36 дона уруғли мевалар - 20%; 36 донали ва ундан ортик уруғли мевалар эса 10% ни ташкил этиши аниқланди. Шу ўринда *H. syriacus* да 40 дона уруғ куртаги борлигини эслатиш ўринли.

Худди шу шароитда ўстирилган 10 ёшли ўсимликларда 1-5 ва 6-10 дона уруғли мевалар ҳосил бўлмагани, 11-15 дона уруғли мевалар - 4%; 16-20 дона уруғли мевалар - 10%; 21-25 дона уруғли мевалар - 30%; 26-30 дона уруғли мевалар - 30%; 31-36 дона уруғли мевалар - 24%; 36 ва ундан ортик дона уруғли мевалар эса атиги 2% ни ташкил этиши аниқланди.

Хуллас, *H. syriacus* нинг ёши ошиб бориши билан мевада уруғ ҳосил бўлишида маҳсулдорлик коэффициенти ҳам ошиб боради. Шунингдек, 5 ёшли ўсимликларда 26-36 дона уруғли мевалар бошқа гуруҳларга қараганда анча кўп бўлиб, ўсимликда ҳосил бўлган барча меваларнинг 42% ини; 10 ёшли ўсимликларда эса 21-30 дона уруғи бор мевалар кўпроқ учрайди ва бу эса жами меваларнинг 60% ини ташкил қилади.

Ўсимликнинг уруғ маҳсулдорлиги, уруғларнинг сифати ва уларнинг вазни, ўсимлик ўсаётган шароитдаги экологик омилларнинг умумий таъсиридан ташқари, дарахтларни парваришлан агротехникасига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Тупроқ унумдорлиги яхши, намлик етарли ва дарахтларнинг парваришландаги агротехник тадбирлар ўз муддатида ўтказилаётган жойларда ўсимликнинг умумий ҳолати, уларда ҳосил бўлган уруғларнинг сифати ҳам бир қадар юқори эканлиги кузатилды.

Қарши шароитида ўсган *H. syriacus* нинг мева ва уруғ ҳосил қилиши ўрганилганда юқоридаги фикрлар ўзининг аниқ тасдиғини топди. Қарши шароитида уруғ маҳсулдорлиги Тошкентдагидан кескин фарқ қилади.

Бу ерда ўсган 5 ёшли ўсимликларда уруғларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичи атиги 10%, 10 ёшли ўсимликларда эса 15% ни ташкил қилади. Бу Тошкент шароитида ўсган ўсимликларнинг уруғ маҳсулдорлиги кўрсаткичидан ўрта ҳисобда 4-6 баробар кам демакдир.

Қарши шароитида ўстирилган 10 ёшли ўсимликда эса 5 донагача уруғи бўлган мевалар 66%; 6-10 дона уруғли мевалар – 24%, 11-15 дона уруғли мевалар – 16%; 16-20 дона уруғли мевалар – 4%; 21-25 дона уруғли мевалар – 12%; 26-30 ва 31-35 дона уруғли меваларнинг ҳар бири 4% дан; 36 ва ундан ортиқ дона уруғли мевалар эса ҳосил бўлмаганлиги аниқланди.

Шундай қилиб, Тошкент шароитида ўстирилган *H. syriacus* да ҳосил бўлган меваларнинг аксариятида уруғлар сони 26-36 донани, катта ёшли ўсимликларда бу рақам янада юқори, ҳаво ҳарорати анча юқори бўлган Қарши шароитида бошқа манзара намоён бўлади, яъни бу ерда аксарият ўсимликларда ҳосил бўлган мевалардаги уруғларнинг сони атиги 1-5 дона.

Тошкент шароитида ҳосил бўлган 54 дона уруғнинг оғирлиги 1 г келгани ҳолда, Қаршида бу кўрсаткич 124 донани ташкил қилди. Уруғларнинг сифати ҳақидаги маълумотлар кейинги бобда келтирилган.

Диссертациянинг тўртинчи боби “*Hibiscus syriacus* L. нинг экологик хусусиятлари ва кўпайтириш усуллари” деб номланган. Бобнинг биринчи бўлимида экологик омилларга муносабати баён қилинади. Бизнинг тадқиқотларимизда *H. syriacus* нинг барча навлари Ўзбекистон шароитида намсевар ва иссиқсевар, жазирама иссиқ ва совуқ ҳароратга бардошлилиги аниқланди. Ёз мавсумида ҳар ҳафта қондириб суғорилганда бемалол ўсади ва ривожланади. Қарши шароитида эса баргларининг чети иссиқдан қуриydi. Тошкентда бу ҳолат кузатилмайди.

Тадқиқотлар даврида *H. syriacus* нинг совуққа бардоши бўйича аниқ ҳулосага келиш имконияти яратилди. 2007/2008 йиллар қишида Тошкентда ҳаво ҳарорати -28 °С, Қаршида эса -30 °С, айрим жойларида -34 °С гача тушиб кетди. Тошкентда ўсаётган *H. syriacus* нинг барча навларининг бир йиллик новдалари ярмигача бўлган қисми совуқдан зарарланди. Фақат *Speciosus* нави совуқдан мутлақо зарарланмади.

